

## БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

### **19** Кассир-операциячининг назорат-касса дафтари шаклини тасдиқлаш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил 9 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2309*

*(2012 йил 19 январдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 232-модда) 7-моддасига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 ноябрдаги 306-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 47-сон, 488-модда) билан тасдиқланган Аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни амалга оширишда фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машиналарини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 17-бандига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Кассир-операциячининг назорат-касса дафтари шакли иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

**Раис**

**Б. ПАРПИЕВ**

Тошкент ш.,  
2011 йил 14 декабрь,  
2011-40-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Давлат солиқ кўмитасининг 2011 йил  
14 декабрдаги 2011-40-сон қарорига  
ИЛОВА

**КАССИР-ОПЕРАЦИЯЧИНИНГ НАЗОРАТ-КАССА ДАФТАРИ**

Хўжалик юритувчи субъектнинг номи ва СТИР \_\_\_\_\_

Назорат-касса машинаси ўрнатилган шохобча манзили \_\_\_\_\_

Хўжалик юритувчи субъектнинг фаолият тури \_\_\_\_\_

Назорат-касса машинасининг русуми \_\_\_\_\_ завод рақами \_\_\_\_\_

Назорат-касса машинаси ишлаб чиқарилган сана \_\_\_\_\_ дастурий махсулоти (версияси) \_\_\_\_\_

Назорат-касса машинасини давлат солиқ инспекциясида рўйхатга олиш рақами \_\_\_\_\_ санаси \_\_\_\_\_

«Ўзстандарт» агентлиги томонидан назорат-касса машинасига берилган мувофиқлик сертификатига рақами \_\_\_\_\_ берилган сана \_\_\_\_\_

Назорат-касса машинасига техник хизмат кўрсатувчи ва таъмирловчи ташкилот  
НОМИ \_\_\_\_\_

(механикнинг Ф.И.О. ва тел. рақами)

**Назорат-касса машинаси рақами**

(завод рақами кўрсатилади)

Сана (смена)	Кассир-операциячининг фамилияси, исми, отасининг исми	Нақд пул тушуми кўрсаткичи (ўсиб борувчи тартибда)		Иш куни (смена) яқуни бўйича назорат-касса машинаси кўрсаткичи	Иш куни (смена) давомида банкка топширилган нақд пул тушуми			Иш куни (смена) охирига қолдиқ сумма		Имзолар			
		иш куни (смена) бошига	иш куни (смена) охирига		жам	инкасацияга ёлган тушум	олдинги иш кунидан қолдиқ сумма	7(8+9)	8	9	10(6-8)	11	12
1	2	3	4	5(4+6)	6	7(8+9)	8	9	10(6-8)	11	12	қасир-операциячининг	ёзувчининг тўғрилигини тасдиқловчи масъул шахсининг

Изоҳ: Кассир-операциячининг назорат-касса дафтари фискал хогирага эга бўлган назорат-касса машиналаридан фойдаланиб, аҳоли билан нақд пулли ҳисоб-китоб қилувчи юридик шахслар ва яққа тартибдаги тадбир-корлар томонидан мажбурий тартибда тўлдирилади.